Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар

Имрон ибн Ҳусойн разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Менинг бавосирим (геморрой касаллиги) бор эди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. У зот: «Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар».
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда намозда ўзи тик туриб ўқиш керак эканини, агар тура олмаса ўтириб, агар ўтириб ҳам ўқий олмаса ёнбошлаб ўқиш жоиз эканини баёнладилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10951